



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1998 йил, 9 октябрь № 39 (319) • Сотувда нархи эркин

ОИЛА МАВҚЕИ ОШАВЕРАДИ

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятининг Мировод тумани филиалида «Оила — давлат таянчи» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси, Мировод тумани ҳокимлиги, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҳиссадорлик жамияти ҳамда Янгиобод ва Мирзо Улуғбек туманлари филиалларидан меҳмонлар қатнашди.

Мировод тумани филиали катта нозими Равшан Мадийров, ходимлар бўлими бошлиги Мамлакат Дадабоева саккиз ойлик иш фаолияти давомида аҳолига кўрсатилган хизмат, ишчи-хизматчилар ва оилаларнинг ҳу-

қуқ, манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳаминг келгуси режалар тўғрисида гапирдилар.

Вазирлар Маҳкамаси масъул ходими Абдумасъул Маликов, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси В. Егоровалар сўзга чиқишиб, жамиятимиз ривожини ва равнақда оиланинг тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш зарурлигини таъкидлашди.

Тадбирда таниқли ёзувчи Тоҳир Малик, шоира Замира Раззоқова, хонанда Нуриддин Ҳамроқуловлар ҳам иштирок этдилар.

Хулқар РАҲИМҚУЛОВА

Тўрақўрғон туманидаги Қатагон алоқа бўлими бошлиғи Мадамин Дехқонов республикамиз Мустақиллигининг 7 йиллиги байрами муносабати билан Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг табриклиб, мактуб ҳамда ўз ижодидан намуна сифатида жонжон республикамиз Мустақиллигига бағишлаб ёзган шеърини юборган эди.

ПРЕЗИДЕНТ РАҲМАТНОМАСИ

Яқинда Президент девонидан Юртбошимизга нисбатан ҳурмат, эътибор учун миннатдорчилик сўзлари битилган раҳматнома ва совға келди. Қуни кеча туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Одилхон Ҳужаев ҳамда ҳоким муовини Хусниддин Мавруловлар алоқа бўлимига келиб, Президент раҳматномаси ва совғасини М. Дехқоновга тантанали суратда топширдилар.

Ҳамид ФОЗИЛ,
Наманган вилояти

Расмий жавоб

ТАНҚИДДАН СЎНГ...

«ХАВАР» газетасининг 1998 йил, 18 сентябрь 37-сонида чоп этилган «Симёғочлар ўмарилди, кейинчи?...» танқидий мақоласи «Андижон телеком» ҲЖнинг Пойтуғ бўлими жамоаси умумий йиғилишида муҳокама қилинди.

Танқидий мақолада келтирилган далиллар атрофлича ўрганилиб, уларнинг тўғрилиги тасдиқланди. Жойлардаги АТС техник ва электромонтўрлари фаолиятини кучайтириш, телефон, радио тармоқларининг ер ости ва устки кабелларини мунтазам назорат қилиб бориш, иш фаолиятида меҳнат интизомига, хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш зарурлиги кўрсатилиб ўтилди.

Янгиқошлоқдаги 43-АТС ҳамда Лўғумбекдаги 45-АТС электромонтўрларининг ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги аниқланди ва улар огоҳлантирилди.

Ҳозирги кунда Лўғумбек—Андреев йўналишида 45-1-09 рақамли телефон симлари таъмирланиб, ишлатиб қўйилди. Туман ички ишлар бўлими томонидан Элатан қишлоғида ўйрилган алоқа симёғочлари бўйича қидирув ишлари олиб борилмоқда.

«Андижон телеком» ҲЖнинг Пойтуғ бўлими раҳбарлари «ХАВАР» газетасида босилган танқидий мақолани ўз вақтида ёзилган деб ҳисоблайди ва келгусида бундай нуқсонларга йўл қўймаслик учун тадбир белгилади.

Ж. КАРИМОВ
«Андижон телеком» ҲЖнинг Пойтуғ бўлими директори

ПОЧТАЧИЛАР ҲИММАТИ

Жамоатчи мухбиримиз Бувайда тумани почта алоқа бўлими бошлиғи Рустамжон Эргашев билан учрашиб, алоқачиларнинг йиғин-терим даврида пахтакорларга қандай хизмат кўрсатаётганликлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Туманимиз Фаргона вилоятининг йирик пахтакор туманларидан бири ҳисобланади, — дейди Р. Эргашев. — Ёз бўйи қилинган самарали меҳнат натижасида пахтадан мўл ҳосил этиштирилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг пахта йиғин-терим мавсумини ўтказиш юзасидан қабул қилган қарори ҳаммамиз учун дастуруламалдир. Туман почта алоқа бўлими касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда пахтакорларга яқиндан кўмаклашиш мақсадида узининг тадбирларини белгилади. Жойлардаги ун олти бўлимимиз ўз фаолиятларини су-сайтирмаган ҳолда пахтакор-

лар билан ҳамкорлик қилади. «Тико», «Дамас» машиналари Бочқир ва Бувайдага қатнайди. Улар газета ва журналларни ўз вақтида алоқа бўлимига, у ердан пахтакорларнинг иш жойларига етказиб бераётирлар. Туманимизнинг энг олис жамоа хужаликлари — «Янги ҳаёт» ва «Янги қадам»да истиқомат қилаётганлар ҳам газета-журналларни, ҳарбий хизматни утаётган фарзандларидан келган мактубларни ўз вақтида олишмоқдалар. Пахтакорларга хизмат кўрсатишда Араб алоқа бўлими (бошлиғи А. Имомов), Янги қадам алоқа бўлими (бошлиғи М. Қодиров) почтачилари ибрат бўлишяпти.

Тумандаги алоқа бўлимида 74 нафар ходимларимиз хизмат қилади, шулардан 50 нафари ўз вазифаларини бажариш билан бир вақтда теримда иштирок этиш ниятини билдиришди. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиб, Амир Темура жамоа ҳужалиги деҳқонларига фаол кўмаклашмоқдалар. Дилафруз Саидова, Доноҳон Аҳмедова, Нишонбой Тоҳиев, Шерқузи Тўйчиев, Туланбой Мирзалиев сингари оператор ва хабарчиларимиз кунига 50-60 килограммдан пахта териб, хирмонга топширмоқдалар.

«Ҳа, деган туяга мадад» дейишади. Ҳақ гап. Заҳматқаш почтачиларнинг беминнат ҳимматидан пахтакорлар мамнун бўлишмоқда.

Қаюмжон ТУРСУНОВ
сўзлашди

КЎРГАЗМА ЎТКАЗИЛДИ

Шу йилнинг 29 сентябридан 2 октябрга Тошкентдаги «ЎзЭкспоМарказ» да бешинчи халқаро кўргазма бўлиб ўтди. Ушбу кўргазма республикамиз пойтахтида учинчи маротаба ўтказилди. Унда АҚШ, Германия, Франция, Чехия, Эстония, Бирлашган Араб Амиратлари каби жами ўн уч мамлакатнинг ўттиздан ортиқ фирмага ва компаниялари ҳамда маҳаллий корхоналар иштирок этди. Кўргазмада энергетика,

электротехника, электроника, компьютер техникаси, телекоммуникация ва офис жиҳозлари намойиш қилинди. Хоружининг энг илғор «Эрикссон», «Сименс», «Моторола», «Сернао» каби компаниялари қатори республикамизда уяли алоқа бўйича фаолият кўрсатаётган «Ўздунробита», «Ўзмакатнинг ўттиздан ортиқ фирмага ва компаниялари ҳамда маҳаллий корхоналар ҳам кўргазмада қатнашди.

А. КУДИНОВ

тон нефтчилари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Чунончи, АҚШнинг «Америкэн Петролиум» нефт корпорацияси Фарбий Қозоғистоннинг «Катта Чуқудуқ» қонида нефт ва газ қазини бошлаб юборди.

• Чеченистон билан Ингушетия чегарасида Россия ҳукуматининг Чеченистондаги ваколатли вакили ўринбосари Акмал Саидовнинг жасади топилди. Маълумки, у 29 август кунини ўғирлаб кетилган эди.

• Туркиянинг Силиври шаҳрида 20 дан ортиқ Осиё ва Европа мамлакатлари ёзувчилар ва журналистлар ташкилотлари раҳбарларининг халқаро курултойи бўлиб ўтди. унда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов сўзга чиқди.

Обуна-99

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз муштарийлар!
«ХАВАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ (Каталог нархи)

Якка тартибдаги обуначилар учун:
6 ойда 330 сўм, 1 йилга 660 сўм.

НАШР КЎРСАТКИ-ЧИ: 227.

Ташкилот ва корхоналар учун:

6 ойда 498 сўм, 1 йилга 996 сўм.

НАШР КЎРСАТКИ-ЧИ: 228.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов АҚШ Куролли Куялар марказий қўмондонлиги Бош қўмондон Энтони Зинни раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• Республика матбуотида «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой кодекси» лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг йиғилишида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг Андижон вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала кўрилди.

• Чимкентда Ўзбекистон маданият кунлари бўлиб ўтди. Тошкент вилояти йқодий ходимларидан бир гуруҳи

иштирок этди.

• Россиядаги иқтисодий инқирознинг Қирғизистонга таъсири тобора ортиб бораётир. «Кабар» ахборот агентлигининг маълум қилишича, мамлакатдаги Қирғизистон-Россия университети талабалари қарийб тўрт ойдан буён стипендия олгани йўқ.

• «КАЗААГ» ахборот агентлиги мухбирининг хабар беришича, АҚШ ва Қозоғис-

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси «Ўзбекистон Республикаси алоқа корхоналарида хизмат қилаётган ходимларнинг «Намунали оила» кўрик-танловини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Низомга кўра кўрик-танлов тўрт босқичдан иборат бўлиб, дастлаб туман, вилоят, компанияларда ўтказилиши ва ниҳоят яқунловчи босқич шу йилнинг ноябрь ойида агентлик бўйича ўтказилиши кўзда тутилган.

Дастлабки анжуман «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҳиссасдорлик жамиятида ўтказилди. Бу даргоҳда ҳавас қилса арзигудай, серфайз оилалар жуда кўп. Умр йўлдошлари билан ўттиз йилдан зиёд аҳил яшаб келаётган, камиди тўрт фарзандни воёга етказиб, тарбиялаган оилалардан ўттиз бештаси анжуманга таклиф этилди.

Ташкилотчилар тadbирга пухта тайёргарлик қўришди. Ҳар бир оила учун махсус жой ажратилди, шинамгина безатирилган столларда оила соҳибининг исми шарифи ёзиб қўйилди.

Ҳиссасдорлик жамияти бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи В. Тагаев кечани очиб, раҳбарият ва жамоа аъзолари номидан барча иштирокчиларни қизғин табриклади. Жамият ташкилий иш-

лар бўлимининг бошлиғи Азлар Тураев кўрик-танлов шартлари билан ҳаммани таништирди. Шундан сўнг ўзига хос, фаройиб бир мусобақа бошланди. Ҳар бир оила гўё имтиҳон топшираётгандай, тегишли рақамларни олишди. Оила соҳибини икки-та саволга жавоб бериши керак эди. Жавоб беришдан олдин эса оила соҳибининг Тошкент телефон тармоғидаги иш фаолият-

Убайдулла Тошхўжаевнинг набираси — етти ёшли Гузалхон Камбаровга насиб этди.

Даврабоши навбатдаги хоразмча рақсни Иродахон Пулатова ижро этишини эълон қилди. Даврада 9-10 ёшлардаги, хоразмча кийинган кичкинагина кизчанинг маҳорат билан рақсга тушиши ҳаммани лол қолдирди. Қарсақлар рақс тугагандан кейин ҳам анча вақтгача да-

оила аъзолари билан даврага таклиф этилди. Чилонзор филиали бошлиғи Саидакбар Аъзамов «Устоз» дея кучоқ очиб, отахонга пешвоз чиқди. Шоғирдлар ҳам дил сўзларини изхор этиб, устозларини табриклашди.

Алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси раиси Тохир Назаржонов республика алоқачилари номидан анжуманнинг барча қатнашчиларини табриклади, оилаларда тотувлик, касбга фидойилик, Ватанга муҳаббат туйғуларини уйғотувчи бундай анжуманлар ҳали давом этишини айтди. Алоқачилик касби бу оилаларда авлоддан-авлодга ўтиб боради дея ишонч билдирди.

Анжуман яқунланди. Фурсатдан фойдаланиб шаҳар телефон тармоғида 50 йилдан кўпроқ ишлаган Хусниддин отани табрикладим. «Турли совринлар, мукофотлар олганман, лекин бунақаси бўлмаган эди. Менга курсатилган самимий ҳурмат-эҳтиромдан ҳаяжонланиб кетиб, дилимдаги гапларни айтолмай ҳам қолдим, укажон», — деди Хусниддин ака хурсандчилигини яширолмади.

Бошқа оилаларнинг вакиллари ҳам ана шундай ҳаяжон оғушида эдилар. Беихтиёр хаелимга қўшиқдаги «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» деган пурхикмат сўзлар келди.

**Тўлқин ЛУТФУЛАЕВ,
«ХАБАР»нинг махсус мухбири**

• 1998 йил — Оила йили

МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР...

ти, ўғил-қизлари, набиралари ҳақида қисқача маълумот берилди. Ҳуқуқий, тарихий, маънавий, ахлоқий мавзулардаги ранг-баранг ва ҳаётий саволларга берилган қизиқарли, ибратли жавоблар ҳеч қимми бепарқ қолдирмади. Хусниддин Саъдуллаев, Убайдулла Тошхўжаев, Эркин Рихисбоев, Қодир Зокиров, Муҳаббат Қосимова, Баҳодир Мирзааҳмедов, Равшан Маддуров, Эргаш Солихов, Ҳаким Абдурахмонов каби оила соҳибларининг жавоблари қарсақлар билан олқишланди. «Қизил тўқ» маданият саройининг Жаллодидин Оташев раҳбарлигидаги «Ёшлик» гуруҳи дилрабо куй ва қўшиқлари билан даврага файз киритди. Завқи тошган оилалар эса рақсга тушиб, жўр бўлишди. Энг кўп қарсақ ва олқишлар етти ёшли Гаффор Нуримов билан жамиятнинг Чилонзор филиали муҳандиси

вом этди. Маълум бўлишича, «Булбулча» гуруҳининг аъзоси Иродахон бу тантанана Марказий филиалнинг ҳисоб-китоб бўлими бригадари, ҳоласи Гулнора Солиева билан келган экан.

Жамият касба кўмитаси раиси Вера Егорова ва Собир Раҳимов филиалнинг бошлиғи Маъруфжон Дадабоевлар хайъат қарорига кўра голибларни эълон қилишди. Биринчи ўрин умр йўлдоши билан 48 йилдан буён тотув яшаб келаётган, икки ўғил, икки қиз, тўққиз набиранинг отаси Хусниддин Саъдуллаевга, иккинчи-учинчи ўринлар эса 47-АТС ходими Муҳайё Қосимова ва Миробод филиали катта нозими Равшан Маддуровларга берилди. Голибларга қимматбаҳо совринлар, кўрик танловда қатнашган барча оилаларга эсдалик совғалари топширилди. Хусниддин ака барча

ҲОТАМ «ПОЧТАЧИ»

Ёшлигида колхозда сувчи, пахтачилик бригадаси етакчиси бўлиб ишлаган Хотам Мирзаевнинг «почтачи» деган номи ҳам бор.

Пастдарғом тумани, Амир Темур номи жамоа ҳўжалигининг «Кичик найманча» маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Х. Мирзаевга «почтачи» номи бежиз берилмаган. У 70-йилларда элнинг дуосини олиб, почтачилик касбини бир неча йил улуғлаган. Отаҳон кейинги йилларда соҳасини ўзгартириганига қарамадан, «почтачи» номидан кутула олгани йўқ. Ҳамқишлоқларининг тўй-маъракаларида албатта Хотам «почтачи»нинг ўз ўрни бор.

Агар қимгадир «ХАБАР» газетаси зарур бўлиб қолса, ҳеч иккиланмасдан унга мурожаат қилишди. Чунки Хотам ака «Хабар» газетаси чиқа бошлагандан буён унинг доимий муҳлиси, бў газета орқали собиқ касбдошлари ҳаёти ва алоқа соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлиб туради.

Пиру бадавлат хонадон соҳибини, меҳнат фахрийси Хотам бобо Мирзаев янги обуна маъсуми бошланиши билан нафақат ўзи, балки ҳамқишлоқларини ҳам 1999 йил учун «ХАБАР» га обуна бўлишига даъват этипти.

«Хабар»нинг Хотам «почтачи» каби садқотли муҳлислари кўпаяётгани рост бўлсин.

**Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,
Самарқанд вилояти**

• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ҲАР ДАҚИҚА ҲИСОБЛИ

Сўхбатдошимиз Абдулфайз Айсачев Андижон шаҳри марказидаги Алоқа уйининг бош муҳандиси. У 1956 йили таваллуд топган. Олий маълумотли.

— Алоқачи бўлишингизга нима сабаб бўлган?
— Гафур Гулом номи 5-урта мактабда ўқиб юрган кезларимда почтачилик қилганман. Буш пайтларим болалар ва ўсмирлар ўйида жойлашган «Авиамодель», «Радиотехника» тугарақларида қатнашганман. Тугарақдаги амалий машғулотлар техникага бўлган илҳосимни оширди.

Урта мактабни битирганимдан кейин Тошкент электротехника Алоқа институтининг кўп каналли электралоқа факультетига ўқишга кирдим. Уни битириб, Андижон вилоят алоқа бошқармасига ишга келдим. Шаҳрихон, Қургонтепа, Андижон туманларида, туманлароқ электралоқа тармоқларида таъмирловчи, электралоқа боғламаси муҳандиси вазифаларида ишладим.

— Ушбу Алоқа уйи биноси қайси йили қурилган эди?
— Бу бино 1974 йили қурилиб, 1976 йилнинг бошида фойдаланишга топширилган. Барча қўлайликларга эга мазкур Алоқа уйи андижонликларнинг узогини яқин қилмоқда. Бугунги кунда 22, 24, 25, 26, 27-АТСлар ташкилот, корхона ва фуқаролар хизматида бўлди. Боғишмоқ. Ақсаги қўрғонларида эса кичик сизимли телефон станциялари кеча-кундуз ишламоқда.

— Мижозларга намунали алоқа хизмати кўрсатиш кўп жиҳатдан малакали мутахассисларга боғлиқ бўлса керак?

— Телефон алоқа боғламаси давр талаби даражасида ишлаши кўп жиҳатдан қалдарга боғлиқ. Шу боис малакали мутахассисларни тарбиялашга алоҳида эътибор беришимиз. Алоқа уйимиз Жанубий Кореянинг «ДЭУ телеком» фирмасининг алоқа дастхоналари билан таъминланиб бориляпти. Бу дастхоналарни ишлатишда малакали қалдар керак. Шу ниятда 24-АТС бошлиғи Фарҳоджон Саидмаматов, ДЭУ шаҳарлараро телефон станцияси бошлиғи Бахтиёржон Маниёзовлар Кореяга бориб, малака ошириб келдилар. Аввал станциялар уртасида мис толали кабель ётқизилган бўлса, ҳозир шипша толали кабеллардан тула фойдаланиб келиняпти.

Корхонада айни кунда 580 нафардан ортққ ишчи-хизматчилар, муҳандис, техник ва мантурлар хизмат қилади. Олти нафар ҳолимизнинг малакаси оширилди, уч нафари эса Тошкент электротехника Алоқа институтидан сирдан тахсил оляпти. Йигирма нафар ходимимиз лотин алифбоси, уч икки нафари инглиз тили курсларида ўқитилди. Улар шаҳарлараро алоқа хизмати кўрсатишда фаол иштирок қилмоқдалар.

— Оилангиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?
— Турмуш уртоғим Зулфияхон Андижон иқтисодиёт ва муҳандислик институтида ўқитувчи. Икки ўғлим ва бир қизим бор.

— Юртдошларимизга тилакларингиз?
— Юртдошларимиз доимо соғ-саломат бўлишсин. Хонадонларидеги телефонлари доим жиринглаб, шодлик, хуш кайфият олиб кираверсин.

**Қўлдош ҲОЖИМАТОВ,
жамоатчи мухбиримиз,
Андижон вилояти**

ЭЪЛОН

«АЛОҚА ТА'МИНОТ» очиқ турдаги акциядорлик жамияти тугатилади. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй. Тел.: 191-61-30.



Люда УРОВОЗА ўн саккиз йилдан буён «Жиззах телеком» шўбха корхонасининг шаҳар филиалида телефончилик қилиб келмоқда. Бугунги кунда моҳир телефончининг кўплаб шоғирдлари устозлари билан елкама-елка туриб, одамлар узогини яқин қилишмоқда.

**Бахтиёр ТОШМАТОВ
олган сурат**

АСПИРАНТУРАГА МАРҲАМАТ!

Тошкент электротехника Алоқа институти 1998 йил учун

05.12.02. — Алоқа каналлари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари;

05.12.14. — Алоқа тармоқлари, булимлари ва ахборот тақсимлаш;

05.12.17. — Радиотехника ва телевидение тизимлари ва қурилмалари мутахассисликлари буйича кундузги ва сиртқи аспирантурага қабул ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ҳужжатлар 1998 йил 10 ноябргача қуйидаги манзилга жунатилиши шарт:

700084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Маълумот учун телефонлар:

35-07-63, 35-01-12, 35-09-34.

ФАКС: 35-10-40.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 1998 йил, 18 сентябрь № 37-сониде берилган «Симёғочлар умарилди, кейинчи?..» мақола-сидеги «Лугумбекдаги 43-АТС» сузи — «Лугумбекдаги 45-АТС» деб ўқилсин.

Собир Сайхонни Ўзбекистонда кўпчилик танийди, хусусан, тадбиркорлар давраси уни яхши билади — Туркиянинг Истамбул шаҳрида яшайдиган юртдошларимиздан бири. У бениҳоя тадбиркор тожир бўлиши баробарида ҳалол, покиза инсон. Муаллиф ушбу мақолада ҳалолликка, покизаликка, ҳаромдан ҳазар қилишга даъват этади.

Бисмиллаҳи Раҳмонир Раҳийм. Ҳар турли ҳамд оламларнинг рабби бўлган Аллоҳга хосдир. Саловат ва салом унинг элчиси ва энг севгили муътабар қули ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳобига бўлсин.

Инсонларнинг ҳаётларида моддий ва маънавий томонлар бор. Булардан биттаси ихлом қилина хасталик пайдо бўлади. Бу ҳар икки унсурнинг ҳам покиза гизота эҳтижи бор. Ҳалол ошам қилинган дуо ва ибодатларга ҳам таъсир қилмоқда. Ҳалол лўма ошаганларнинг насли ҳам асил бўлади. Шунинг учундирки, риққнинг ундан туққиз қисми махсулга сабаб бўлган тижорат диний қоидаларга қараб юритилиши фанқулодда аҳамиятта эгалдир. Динимизда бу мавзуга кенг ўрин берилган, чунончи, фикх китоблари тижоратнинг турри қоидаларини қисқача танитиб, шу мавзунинг аҳамиятини уртага қўймоқда.

Худованд бизларни турри

ТИЖОРАТ ВА БИР ЛУҚМА ҲАЛОЛ ОШ

йулдан айирмасдан ҳидоят неъматлари билан неъматлантириб, ҳалол риққ ато қилсин, омиён.

Ҳалол маълум, ҳаром ҳам маълум. Фақат ораларида «Ҳалолми, ҳаромми?» деган шубҳали нарсалар борки, ақсарият уларни билмайди. Шубҳага ошно бўлганлар динини ҳам, иффагини ҳам қуриқлаган бўлади. Имом Бухорий ва ҳазрати Муслим айтганларидек, қурғон атрофида ўлатилган қуй қурғонга кириб қолиши эҳтимоли бўлганидай, шубҳага тушиб қолган одам ҳаромга ботиб қолинган қурқали.

Бошқа бир ҳадиси шарифда пайгамбаримиз шундай буюрадилар: «Ҳалол нафақа билан таъминлаш ҳар бир мусулмон учун фарзидир».

Ҳалол ҳам очик, ҳаром ҳам. Фақат шубҳали нарсаларни танимок қишларнинг уз гайрат ва самимиятларига боғлиқдир. Динимиз

да ҳалол тижорат ва фойда улуғлаиб, ҳаром қатагон қилинган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда «Ҳалол ва покиза нафақа енглр ва солиҳ ишлар бажаринглр!» («Ал-Муминун» сураси, 51-оят) деб буюрган, яъни ҳалол емоқнинг солиҳ амаллардан аввал келганлиги

ванд ризоси билан кечирилади». Инсон неча қисмга бўлинади? Ҳаётий тажриба шунини курсатадики, инсоният уч қисмга бўлинади:

1. Дуне маишатида машгул бўлиб, охиратини унутганлар. Бундай кишиларни тирик мурдалар деб атамоқ жоиздир.

Имом Бухорий «Ал-адаб ал-Муфрад» атоғлиқ китобларида куйидаги ҳадиси келтирадиларки, бу ҳадис уша тирик мурдаларга тегишлидир. «Расулуллоҳ саҳобалардан «Дузахга тушишга сабаб бўладиган нарсани нима?» — деб сурадилар. Расулуллоҳ (узлари жавоб бердилар): «У икки қовак — аврат ва оғиздир».

2. Охират томошаси ва қуркувидан фоний дуне лаззатларини унутганлар. Буларнинг охири бахайр бўлганлар.

3. Охиратини қозонмоқ учун дунеда эзгу ва савобли ишлар билан машгул бўлганлар. Бундай кишилар энг туғри йулдилар.

ҲАЛОЛ ЛУҚМА ВА ДИН

Иморат ва бинода тамал нима бўлса, динда лўма ушадир. Асос ва тамал соғлом бўлса, пойдевор

устидаги юксак иморат маҳкам бўлгани каби ҳалол лўма ҳам динни оқда тутати ва юксалишига омил бўлади. Асос чирик ва эплама бўлса, иморат эгилиб чуққандай, лўма ҳаром бўлганда дин ҳам тобора нураб торики.

Ҳазрати Абу Бакр қул келтирган сундан ичдилар ва тусатдан қулга бурилиб: «Буни қаердан олдинг?» — деб сурадилар. Қул: «Фолбиллик қилдим, яъни қаҳонат билан гойибдан хабар бердим ва хизмат ҳақида шу сунни олдим», — деди. Шу сўз таъсири билан Абу Бакр ичган сунни ошқозондан чиқармоқ учун бузгига бармоқларини суқдилар ва бутилгандай қайтариб сунни чиқаришга уриндилар, кейин: «Аллоҳим, ошқозонимда қолиб томирларимдаги қонга аралашган қисм учун узинга сизинаман», — дедилар. Ривоятга қараганда, Расули ақрам бу воқеани эшитгач: «Абу Бакр ошқозонига ҳалол ва покиза лўмадан бошқа бир нарсани кирмаганини билмайсизларми?» — дедилар. Ҳазрати Умар ҳам закот туяларининг сунини ичган ҳамон оғизга бармоқ суқиб, қусиб сунни чиқарган эдилар.

Собир САЙХОН

ПАЙГАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Ароқдан сақланинглр, чунки у барча ёмонликларнинг калитидир.

Умнатларим учун энг қаттиқ кўрққан жиҳатларим: қорин солиб семириш, серуйкулик, дангасалик ва суст эътиқодда бўлишдир.

Зайтун билан бўянинг ва унинг ёғини ўзингизга суртинг, чунки у муборак дарахтдан чиқади.

Ҳар қандай маст қиладиган нарсани истеъмол қилишдан қочинг.

Сизнинг орангизда менга энг севиқлигингиз оз овқатлаиб, вазни енгил юрадиганингиздир.

Хина билан бўянинг, чунки у ёшлигингизни, ҳуснингизни ва жинсий қувватни зиёда қилади.

Қайси бирларингга райхон тақдим этилса, уни қайтармасин, чунки у жаннатдан чиққандир.

Ҳар бир киши овқатланса, гўшт-ёғ доғини кетказиш учун қўлини ювсин.

Таомни совутиб истеъмол қилинг, иссик овқатда барака бўлмайди.

Агар сув ичсангиз сўриб ичинг, бирдан ичиб юборманг, бирдан ичиб юбориш жигар касаллигини келтириб чиқаради.

Агар сут ичсангиз сув билан оғзингизни чайинг, чунки унда ёғ бор.



Овқат маҳали эр-хотин яна жанжаллашиб қолиши.

— Сенга яна мен пиширган овқат ёқмаяптими? Ахир туйгача «Сен учун улимга ҳам тик боқаман» деб қасам ичувдинг-ку!

— Наҳотки?

— Ҳа, минг марта қасам ичгансан.

— Хуш, на чора, ундай бўлса овқатингни ейишга мажбурман! — дейди эр хурсиниб.

КЕЛИНГ БИР КУЛИШАЙЛИК

— Бир ойдан буён қандай машина сотиб олишни билмайман. Ваҳоланки танишганимизнинг учинчи куниеқ менга уйланишга қарор қилувдинг.

— Биласанми, машина савдоси жиддий масала-да.

Тарих дарсида муаллим укучидан суради:

— Қани айтчи, уттиз йиллик уруш қанча муддат давом этган.

— Эсимда йўқ.

— Ундай бўлса айтчи, ун икки ёшли бола нечага кирган бўлади.

— Ун иккига.

— Хуш, демек уттиз йиллик уруш неча йил давом этган экан?

— Ун икки йил.

Муаллим туполончи укучига дейди:

— Сен бирон марта виждонинг овозига қулоқ соласанми?

— Уни қайси канал орқали эшитиш мумкин?

• Ажаб дунё

ОНАНИНГ ЁРДАМИ

Англиялик боксчи Тони Уилсон ўзи қатнашадиган мусобақаларга эндиликда онасининг келишини таъқиқлаб қўйди. Мусобақаларнинг бирида юз берган воқеа бунга сабаб бўлди. Ушанда Тонининг рақиби уни роса «калтаклайди». Бунга чидай ол-

маган она рингга чиқиб, ўғлининг рақибига ташланади. Кутилмаган ҳужумдан довдираб қолган рақиби жангдан воз кечади. Натижада Уилсон ғолиб деб топилади. Аммо унинг ўзи бундан норози бўлади ва рақиби билан қайта бокс тушишни талаб қилади.

ГУЛЛИВЕРЛАР УЧУН ЭШИКЛАР

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, голландияликлар Европадаги энг баланд бўйли кишилар экан. Йилдан-йилга уларнинг бўйлари ўсиб бормоқда.

Ўз ватандошларининг қийналмасликлари учун Нидерландиядаги қурувчилар янги уйларга баландлиги ик-

ки метру ўн икки сантиметр бўлган эшикларни ўрнатишга киришдилар. Голландиядаги муниципал қурилиш бирлашмаси вакилининг айтишича, бу янгиликча янги уй олаётган кўплаб оилаларнинг таклифлари туйфайли киришилган.

МУАССИС:

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдувоҳид ЖЎРАБОВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бўривой АҲМЕДОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайдими. Мақоалалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-0440. 8245 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 21.25
Босишга топширилди вақти — 21.00



ДУШАНБА, 12

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ташлинома»
8.40 «Ўзбектедфильм» намойиш этади: «Замин калбага қулоқ тут»
9.05 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.
9.30 «Жаҳон спорт»
9.40 «Адолат мезони»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 Кино янгиликлари
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари»
10.40 Кундузги сеанс: «Тоғмаҳал»
Бадий фильм 2-серия
12.05 Ўзбек куйларидан концерт
12.40 Болалар учун «Дона бобо даврасида»
13.00—14.00 «Олтин дала» Пахтакорлар учун ахборот-музикалик курсатув. ***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Умид унқулари»
18.30 «Қароғал»
18.45 «Олам ва одам»
19.05 «Бир қадим»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 — Ўзлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ўзбек ва банк хабарлари»
20.05 «Оқшом эрталаки»
20.30 «Ахборот»
20.35 «Икхисод алифбоси»
21.25 «Мехрибоним онахон». Музикалик композиция
22.00 «Сивет»
22.20 Диктат, премьера: М. Бобоев «Кўнгли кўчалари». Видеofilm. 49-қисм
23.00 «Ахборот»
23.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Темирйўли»
00.15—00.20 Ватан тимиоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Жақжи давра» Мультмошса).
18.40 Оила йилга бағишланди. Хонадон
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Кўпгина неъмат етсин. Юмористик курсатув.
19.35, 20.25, 22.35 — Ўзлонлар
19.40 «Морена Клара». Телесериял.
20.30 «Жаҳон» Халқаро шарҳ.
20.50 Сиз севган хонанда: Муҳриддин Холқов
21.05 Ҳаётим. Навоий виллоятдан тайёрланган.
21.25 «Нихо». Сегви ҳақида.
21.40 Араб эстрада.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Италия лавҳалари.
22.40 Синема. «Икки соҳил, икки тақдир»
00.20 Спорт китаси.
00.50 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Дарраки»
18.10 Муқдас-ТВ
18.30 Болалар учун. «Эя ва унинг дустлари хузурда»
18.45 «Санта-Барбара». Телесериял.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Ўзлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Дилором наволар.
20.10 «Сен ҳақингда ва сен учун»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Тагерт». Телесериял.
21.55 ПТВ-шоки.
22.10 Телефакт.
22.45 Халқ саломатлиги йўлида.
22.55 Мўнғ бир ҳикоят.
23.00 «Дарраки»
23.10 Оханлар ва эълонлар.
23.20 Саргушат фильмлар экрани.
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-VI

«Халқаро телеканал»
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар
16.50 «Мультисайера»
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

18.45 «Ўзламчюк»
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Миллиция сериали. «Чироқлари синган кўча»
20.00 «Время»

20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериял.
21.20 «Бугун оламда...» Ахборот курсатув.
21.25 «Кимга қанақа?»
21.40 «Замонавий дизайн»
22.00 «Вести»
22.30 «Сиз учун»
22.55 Кинематограф: «Рақсар», Мушқал бадий фильм. Ролларда: Патрик Суэйзи, Жениерер Грей (Авд.)
00.30 «Ахборот» (рус тилида).
00.55—01.00 Тунингиз оуда бўлиси!

СЕШАНБА, 13

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Сени қўмар дил». Музикалик дастури.
9.10 «Ўзбектедфильм» намойиш этади: «Рафаэль Мотевосян». Премьера.
9.20 М.Бобоев. «Кўнгли кўчалари». Видеofilm. 49-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 Янги алифбони ўрганиш.
10.35 Отпик мўли. Мультфильм.
10.45 Кундузги сеанс: «Тоғмаҳал». Бадий фильм 2-серия.
12.05 «Дўгоналар бормиси». Музикалик дастури.
13.00—14.00 «Жел, дўст бўлайлик». Илдос Оқчобоев қомиди Еш-томошбинлар театрининг спектакли.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кудук». Мультфильм.

18.20 «Хунарманд». тележурнал.
18.40 «Хайт чашмалар»
19.00 «Янги авлод»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом таваллудининг 190 йиллиги олдида «Ўзлик гулшани»
20.10 «Оқшом эрталаки»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Кўнгли бизга ҳаммиса ҳамроҳ». Музикалик дастури.
21.30 «Акс садо»
22.05 Диктат, премьера: М. Бобоев «Кўнгли кўчалари». Видеofilm. 50-қисм
22.45 «Ўзликнинг намойи қил». Экранда — Бухоро вилоти.
23.20 «Ахборот»
23.50—23.55 Ватан тимиоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Эркатой», Мультмошса).
18.45 Музикалик лавҳалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Солиқ ҳақида сабоқлар.
19.35, 20.25, 22.20 — Ўзлонлар
19.40 «Морена Клара». Телесериял.
20.30 Ватан мавқарлари.
20.45 Болалар нигоҳ.
21.05 Марду-майдон.
21.30 Форс-мажор.
21.40 Шарҳ эстрадада.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Эркаклар икки қиришганда». Комедия.
00.05 Спорт-китаси.
00.35 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ-VI

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Дарраки»
18.10 Болалар учун. «Энди эрталак бошланди»
18.30 Музикалик лавҳалар.
18.45 «Санта-Барбара». Телесериял.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Ўзлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Кўйла, ёшлигим»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Тагерт». Телесериял.
21.55 «Ўқитатид»
22.15 «Морт ва Фил». Мультфильм.
22.40 «Ўқитатид қадамлар»
23.00 «Дарраки»
23.10 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
23.35 Оханлар ва эълонлар.
23.45 Тунги сеанс.
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-VI

«Халқаро телеканал»
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар
16.50 «Мультисайера»
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Моҳир»
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Миллиция сериали. «Чироқлари синган кўча»
20.00 «Время»
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериял.
21.20 «Бугун оламда...» Ахборот курсатув.
21.25 ТВ-4 да немис тўлкини.
21.30 «Илтифат бугун»
22.00 «Вести»
22.30 Кинематограф: Жези Чан «Полиядаги ҳодиса — 2» фильмида.
23.55 «Ахборот» (рус тилида).
00.20—00.25 Тунингиз оуда бўлиси!

ЧОРШАНБА, 14

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ахборот»
8.30 Эстрада тароналари.
8.40 «Бунга умид дەرваза»
9.20 М.Бобоев. «Кўнгли кўчалари». Видеofilm. 50-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 «Илсон ва замин». Тележурнал.
10.25 Алифбо сабоқлари.
10.55 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий курсатув.
11.20 «Жасур чўпон бола». Мультфильм.
11.30 «Акс садо»
12.05 Болалар учун. «Мақтулар — қабилалар»
12.30 Кундузги сеанс: «Ўғил бола гап». Бадий фильм.
14.10—14.30 «Олов дамани даф эти»
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Улғайиш поронали»
18.40 «Иматат»
18.50 «Утмишдан саздолар»
19.05 Халқаро симфоник музика фестивали.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 — Ўзлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Тавлим-тарбия миллий дастури — амалда»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Бевосита мулоқот»
21.40 «Мен сизни севибман»
Шажоэя Исмомилова.
21.45 «Батани» Бевомик йилмондан-дар. Диктат курсатув.
22.40 Диктат, премьера: М. Бобоев «Кўнгли кўчалари». Видеofilm. 51-қисм
23.20 «Ахборот»
23.50—23.55 Ватан тимиоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Спорт майдончаси», Мультмошса)
18.40 «Семур». Усмилар учун ахборот кўнгли-очар дастури.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Рақурс.
19.45 Музикалик клип-антракт.
19.55 «Сосом» хабар қилади.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат»
20.25, 22.55 — Ўзлонлар
20.30 Ринг.
20.50 Минг бир маслаҳат.
21.05 Авторейд.
21.25 Ҳақ мунозара, таҳлил.
21.45 «Рақсар қанотида». Туркия рақс сани.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Көхтелий пюсс.
22.40 Ки-коллекция.
23.00 Синема. «Билая уни»
00.30 Хаммаме мода ҳақида.
00.40 Хайрли тун.

ЎзТВ-VI

«Халқаро телеканал»
Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00.

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар
16.50 «Мультисайера»
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.45 «Бинафша»
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Миллиция сериали. «Чироқлари

ЎзТВ-III
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Дарраки»
18.10 «Ешлар ҳудуди»
18.35 «Санта-Барбара». Телесериял.
19.20 Музикалик лавҳалар.
20.15 «Ахборот»
20.25, 20.55, 21.00 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Хўсейлигайтириш: қадам-бақадим»
20.15 Рақсар жилоси.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Хайрли оқшом»
21.35 «Тагерт». Телесериял.
22.20 «Давр билан ҳамроҳ»
22.40 «Дўғор навоси». Т. Алимовтар.
23.00 «Дарраки»
23.10 «Ўғуру»
23.30 Оханлар ва эълонлар.
23.40 Вилдо—О»
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-VI

«Халқаро телеканал»
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар
16.50 «Мультисайера»
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Телешифокор»
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Миллиция сериали. «Чироқлари синган кўча»
20.00 «Время»

ЎзТВ-VI

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Дўр мадди». Музикалик дастури.
9.05 «Мезон»
9.20 М.Бобоев. «Кўнгли кўчалари». Видеofilm. 51-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Оила ва жамият»
10.25 «Бархилор шарҳи»
10.45 Куйлардан қўшқларга.
11.10 «Жаран»
11.30 «Суварак». Мультфильм.
11.40 «Талав ва талқир»
12.05 Кундузги сеанс. «Мимино»
Бадий фильм.
13.40 «Фан ва тараққий»
14.10—14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насар» — «Ўғурдўна»
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ешбармоқ». Тележурнал.
18.35 «Дардингиз олай»
18.50 «Халқаро» Халқаро шарҳ.
19.05 «Хайрлик сари»
19.25, 20.25, 21.00, 22.05 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Ўзма-оз»
20.10 «Оқшом эрталаки»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Этирфор» Аҳмад ал-Савоий таваллудининг 1200 йиллиги.
21.35 «Соз вафоси». Музикалик дастури.
22.10 «Сехри шўъла». Кинокурсатув.
22.45 «Сомин йўли»
22.45 «Ахборот»
00.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Зарабон» 2-тайм.
01.00—01.05 Ватан тимиоллари.

ПАЙШАНБА, 15

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Дўр мадди». Музикалик дастури.
9.05 «Мезон»
9.20 М.Бобоев. «Кўнгли кўчалари». Видеofilm. 51-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Оила ва жамият»
10.25 «Бархилор шарҳи»
10.45 Куйлардан қўшқларга.
11.10 «Жаран»
11.30 «Суварак». Мультфильм.
11.40 «Талав ва талқир»
12.05 Кундузги сеанс. «Мимино»
Бадий фильм.
13.40 «Фан ва тараққий»
14.10—14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насар» — «Ўғурдўна»
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ешбармоқ». Тележурнал.
18.35 «Дардингиз олай»
18.50 «Халқаро» Халқаро шарҳ.
19.05 «Хайрлик сари»
19.25, 20.25, 21.00, 22.05 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Ўзма-оз»
20.10 «Оқшом эрталаки»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Этирфор» Аҳмад ал-Савоий таваллудининг 1200 йиллиги.
21.35 «Соз вафоси». Музикалик дастури.
22.10 «Сехри шўъла». Кинокурсатув.
22.45 «Сомин йўли»
22.45 «Ахборот»
00.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Зарабон» 2-тайм.
01.00—01.05 Ватан тимиоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, Буш ўтирма, Мушқал бадий фильм).
18.40 Мушоира.
18.50 Музикалик клип-антракт.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 «Ешлар ҳудуди»
19.35, 20.25, 22.40 — Ўзлонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериял.
20.30 Буюк эрт фарзандим.
20.45 Музикалик лавҳалар.
20.50 Мангу муҳаббат ошени.
21.05 Бир ҳудуд қўшиқ.
21.15 Мезон.
21.30 Мушқал.
21.45 Шарҳ эстрадада.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 «Дойне Велле» тақдим этади...
22.45 «Кўнгли». Қисқа метражлик тақдим.
23.20 Футбол. Европа чемпионатининг сарашув учрашуви.
00.50 Хайрли тун.

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Дарраки»
18.10 «Еришот». Мультфильм.
18.20 «Тоғшан ва тоғшанликлар»
18.35 «Санта-Барбара». Телесериял.
19.15 «Музикалик дақиқалар»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.40 «Бунга умид дەرваза»
20.15 «Хобби-холл»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Олтин қалқил» лотереясининг 4-турлари.
21.20 «Дарракор». Телесериял.
22.05 «Нафосат гулшани». Муҳаммад Юсуф.
22.25 «ТВ ва театр»
22.40 «Дарраки»
23.10 «Етишдан етмиш ёшгача»
23.40 Оханлар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-VI

«Халқаро телеканал»
Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00.

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар
16.50 «Мультисайера»
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.45 «Бинафша»
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Миллиция сериали. «Чироқлари

синган кўча»
20.00 «Время»
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериял.
21.20 «Бугун оламда...» Ахборот курсатув.
21.25 «Сиз ўқинида»
21.40 «Шоҳсула сари йўл»
22.00 «Вести»
22.30 «Кино сайраси»
22.50 Ф. Дзефирелининг «Ромео ва Жульетта» фильми.
00.50 «Ахборот» (рус тилида).
01.15-01.20 Тунингиз оуда бўлиси!

ЖУМА, 16

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ахборот»
8.30 «Кўна замин тароналари». Музикалик дастури.
8.55 «Мен турилган тўпрук»
9.15 «Ўзбектедфильм» намойиш этади: «Тогнинг гули ўйгача»
9.35 «Соғини салом»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 «Ха, ҳа, ха». Ҳазил, ҳажв, хангома.
10.20 Немис тили.
11.00 «Халқ иқодиети»
11.20 «Оламаг савҳат». Кинокурсатув.
11.40 «Сюдат — саломатлик» почтасидан.
12.05 Кундузги сеанс: «Қора ўқ». Бадий фильм.
13.30 «Кичик ҳаёт»
14.10-14.25 «Томчи»
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Ўғуру»
18.30 «Хисобини билганлар»
18.50 «Шер ва шур»
19.00 «Ўзбектедфильм» намойиш этади.
«АМИН» Ўзбекистонда. Премьера.
19.10 «Немили билан учрашув»
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Сомоник тиламиз»
20.10 Оқшом эрталаки.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Тарихий хотираси, келажак йўли»
21.40 «Равзаи жаннат боғи»
Музикалик дастури.
22.15 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». «Яратти туйғуси»
1-қисм.
22.45 «Ахборот»

ЎзТВ-2

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, Боланинг ошени).
18.40 «Синбад». Телесериял.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Тақдим.
19.35, 20.30, 22.40 — Ўзлонлар
19.40 «Ешлар» телеканалда премьерара. «Яши, ёмон йигитлар». Телесериял.
20.25 Тўйгу.
20.45 Бизнес-академия.
21.05 Музика тавграсида.
21.25 Интерфутбол.
21.45 Музикалик лавҳалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.15 «Салом, «Мобби Дик». 1-қисм.
00.15 Музикалик олимп.
00.35 Хайрли тун!

ЎзТВ-III

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Мультфильм.
8.10 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Олтин қалқил», Мультмошса).
18.45 Талабалар шарҳариси.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Шабнам.
19.35, 20.25, 23.00 — Ўзлонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериял.
20.30 Усти останада бошланди.
20.50 Музикалик лавҳалар.
21.00 Бизнес-доктор.
21.30 Автосалтанат.
21.40 Сиз севган гурӯҳ: «Байрам»
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Азизим.
22.40 Араб эстрадада.
23.00 Синема. «Дил» (Ҳиндистон). 1-қисм.
00.20 Спорт — китаси.
00.50 Мунавар тонг истаб.

ЎзТВ-VI

«Халқаро телеканал»
Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар
16.50 «Мультисайера»
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.45 «Бинафша»
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Миллиция сериали. «Чироқлари синган кўча»
20.00 «Время»

ЎзТВ-VI

«Халқаро телеканал»
Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар
16.50 «Мультисайера»
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.45 «Бинафша»
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Миллиция сериали. «Чироқлари

ШАНБА, 17

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Музика бўстони». Телеальманаш.
9.05 «Шоҳрўқ хўб»
9.25 «Харати инсон»
9.45 «Умид» намойиш этади: «Очқик дарди»
«Вактин кетди»
Мен билан қилган дунё.
«Кинчиги устаконаси»
«Мардлар қирқилди Ватани»
11.30 Саздулла Сиёев. «Собик дастури»
11.55 «Кўйла ёшлигим»

12.15 «Ўзод юрт одамлари». Публицистик курсатув.
12.35 Кундузги сеанс. «Ғаройиб ҳодиса» Бадий фильм.
13.40 «Хамро»
14.15-14.45 «Матнавият». Бадий-публицистик курсатув.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мушқалом»
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий курсатув.
18.40 «Янги воқеа»
19.25, 20.25, 21.00 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Оқшом эрталаки.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Жаҳон спорт»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-му